

Асл манбадаги маълумотларга мурожаат қилиш керак



16:27 / 01.09.2025 1119

Бугунги жарҳ ва таъдил китобларига ишона оламизми? Фақат кучли уламоларнинг таҳқиқлари остида нашр қилинган нусхаларигагина ишонсак бўлади, лекин у ер-бу ердан узиб олинган, қўшимчалар, ўзгаришлар киритилган нусхаларига ишона олмаймиз. Мен бу ҳақда узоқ гапирмоқчи эмасмиз.

Бунга бугунги кунимиздан ҳам бир мисол келтирсак.

Ибн Обидин роҳимаҳуллоҳнинг «Ҳошия» асаридаги «Жиҳод» китобида «Боғийлар» («Исёнчилар») деган боб бор. У киши шу бобда «Ибн Абдулваҳҳобга эргашганлар хаворижлардир», деган. Бунинг бобнинг бошидаёқ зикр қилган. Бугун эса бозорларда ушбу «Ҳошия»нинг бир нечта нусхалари бор, аммо уларнинг аксарида мана шу жумлалар олиб ташланган. Менда бу китобнинг усмонийлар нашриётида чиққан нусхаси бор, ундаги ўша жумлалар жойида турибди, лекин бошқа кўпчилик нусхаларда бу гаплар йўқ.

Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Улар бундай ишларни қилишни ўзига вожиб деб билишади. Китобларни бундай кўринишда, яъни баъзи маълумотларни олиб ташлаб чоп қилган ва тарқатганларнинг аксари ваҳҳобийлар ақидасида эканига гувоҳ бўламиз. Улар ўзларича «пешқадам» уламолардан.

Хуллас, нимага эътибор қаратиш керак экан? Бундай ҳолатда асл манбадаги маълумотларга мурожаат қилиш керак. Хўш, Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайҳ ҳақида келтирилган бундай маълумотларнинг бирор илмий қиймати бор бўладими? Йўқ, ҳеч қачон!

Халқда «Мевали дарахтга тош тегади», деган гап бор. Худди шунингдек, қадр-қиммати улуғ кишилар ҳақида ҳар хил гапларни ташиб юришади. Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг ёнларида бир жамоа турган бўлса, уларга қарши жамоа ҳам бўлган.

Имом Абу Ҳанифанинг қадр-қимматлари, шаънлари жуда улуғдир. Шу боис ҳам у зотнинг шахслари ва обрўлари ҳақида айтилган гап-сўзларнинг ҳеч бир аҳамияти йўқ.

«Ҳанафий мазҳабига теран нигоҳ» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 16 апрелдаги 03-07/2009-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.